
ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги [Фармони](#)га асосан яна бир тумандошимиз - Ўзбекистон тумани "Ўрмонобод" фермер хўжалиги бошлиғи Отажонов Муроджон Ўрмонович "Шухрат" медали билан тақдирланди.

Мазкур мукофот тумандошимизнинг юртимизда фермерлик ҳаракати, хусусан нафақат пахта-ғаллачилик, балки насли чорвачилик соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун Президентимиз томонидан берилган юксак баҳодир.

Илғор фермер ва моҳир чорвадорни юксак эътироф билан самимий муборакбод этамиз.

Юрт равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Юксак эътироф муборак бўлсин!

2021-08-26 09:05:37